

СПОРТ-ТАРБИЯ ВОСИТАЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

Тимур Абдувалиевич Мадалимов

Тошкент давлат транспорт университети таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Дунё ҳамжамиятида сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамда спорт соҳаларида ўз ўрнимизга, мавқеимизга эга бўлиш имконияти туғилди. Кўкрагига озодлик шамоли теккан давлатнинг эртанги куни қандай бўлиши, қайси йўлдан бориши, унинг келажак тақдирини белгилар эди. Ўтиш давримизнинг дастлабки йилларидаёқ эндиғина оёққа тураётган республикамиз иқтисодиёти олдида қатор долзарб муаммолар турсада, энг асосий эътибор қанчалик вақт, маблағ кетишидан қатъий назар теран фикрли, маънавий баркамол, янги техника ва технологияларни мукаммал эгаллаган жисмоний бақувват, том маънода соғлом авлодни шакллантиришга қаратилди. “Мамлакитимизда барпо этилаётган ўғил-қизларимиз учун бағрини очаётган минг-минглаб замонавий мактаблар, коллежлар, олий ўкув юртлари, санъат, маданият ва спорт масканлари ана шу эзгу, ҳақиқатдан ҳам тарихий ишларимизнинг амалий натижаси сифатида намоён бўлмоқда”. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатларни чукурлаштириш, эркин демократик фуқаролик жамиятини қуриш, ҳамда давлатимизни буюк давлатлар қаторига кўтариш каби жараёнларни ҳаётга тадбиқ қилиш, келажак авлоднинг нафақат ақл-идроқи, маънавий-маърифий, сиёсий-маданий жиҳатдан шаклланганлигига, балки, уларнинг саломатлиги, жисмоний баркамоллигига ҳам боғлиқлиги ҳисобга олиниб, 1992 йил 14 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида “Жисмоний тарбия ва спорт” тўғрисида қонун қабул қилинди.

Шунингдек, 1992 йил январ ойида миллий Олимпия комитети тузилиб, у Халқаро Олимпия Комитетига расман аъзо этилди.

Калит сўзлар: тарбия, спорт, маданият, маънавият, тарих, давлат.

КИРИШ

Спортчиларимизга дунё спортига йўл очилиши натижасида республикамиз вакиллари юксак натижаларга эришдилар. 1996 йилда Атлантада ўtkазилган XXV Олимпия ўйинларида илк бора спортчиларимиз мустақил равишда иштирок этишди. Ватанимиз байроғи остида харакат қилган спортчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилдилар. Шу ўринда Ўзбекистонлик спорт усталари



дунё спорт майдонларида иттифоқ таркибида иштирок этишмаганми? Бугунги ютуқларни илгариги ютуқлардан фарқи нимада? Каби ҳақли саволлар туғилиши табиий.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маълумки, юртимиз спортчилари иттифоқ таркибида ҳам бир қанча нуфузли мусобақаларда иштирок этганлар ва зафар қучганлар. Тўсиқлар оша 110 метрга югуриш бўйича бир неча маротаба собиқ иттифоқ чемпиони Сергей Попов, 1988 йил Сеул Олимпиадасида 5 м.85см баландликдан сакраб кумуш медал соҳиби бўлган Родион Гатауллин, Москвада бўлиб ўтган Олимпиадада 3000 метрга югуриш бўйича 8-ўринни эгаллаган Анатолий Димов, сузувчиларимиздан Юрий Фролов, Сергей Канов, Светлана Бананина, футболчиларимиздан Б. Абдураимов, Г. Красницкий, Михаил Ан, Фёдоровларнинг иттифоқ терма жамоаси таркибидаги иштирокларини, иқтидорли футболчимиз Миржамол Қосимовнинг собиқ иттифоқ ёшлар таркибида жаҳон чемпиони бўлганида жамоани етакчи сифатида майдонга олиб тушганини яхши биламиз. Лекин диққат билан қарасак бугунги Ўзбекистонлик спортчиларимиз собиқ иттифоқ даврида майдонга тушган спортчилардан кескин фарқ қиласи. Иттифоқ таркибида майдонга тушган спортчи тарозининг бир палласида рақибни иккинчи палласида собиқ иттифоқ талабларини қўйган бўлса, бугунги Ўзбекистонлик спортчи тарозининг бир палласида рақибни, иккинчи палласида эса ор-номусни, миллат тақдирини, юрт шаънини қўйиб майдонга чиқмоқда.

Профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорян “Мен рингда йиқилиб кетаётганимда кўзимга ҳилпираб турган Ўзбекистон байроғи кўринди ва бу байроқ менга куч ато этиб, ўзимни ўнглаб олиб рақибимга шундай зарба бердимки, зарбамдан рақибим ўзини йўқотиб нақдоун бўлди” дея байроғимиздан руҳланиб ғалаба қозонганини ғурур билан таъкидлайди. 2002 йил 13 октябрь куни Пусандга ўтказилган Осиё ўйинларининг бокс бўйича финал учрашувларида ўтаётган бир пайтда ҳамюртимиз Бехзод Хидиров вакилларимиздан биринчи бўлиб рингга чиқади ва финал учрашувида мағлубиятга учраб кумуш медал билан кифояланади. Шунда оғир вазнли Рустам Саидов кутилмаганда 60 кг вазнли Дилшод Маҳмудовга юзланади – “Менга қара, Дилшод укам, энди ҳаммамизнинг тақдиримиз сенга боғлиқ!-яъни сен ютсанг, биз ҳам ғолиб чиқамиз, буни ҳар сонияда ёдингда тут!” дея далда беради. Рустамни юрт тақдирини, мамлакат шаънини Дилшодни қолаверса, барча боксчиларимизни олдига кундаланг қилиб қўйишидан ортиқроқ маъсулият бўлмаса

керак. Унинг сўзларидан таъсириланган Дилшод Махмудов боксчиларимизга биринчи бўлиб олтин медални ҳадя этди. Дилшоднинг ғалабасидан рухланган, майсулиятни янада кучлироқ ҳис этган Ўткирбек Хайдаров, Икром Бердиев, Сергей Михайловлар ҳам юртимиз байроғини баланд кўтаришга аренани мажбур этишди. Сўзини амалда исботлаган Рустам Саидов ватанимиз боксчиларига 5-олтин медални туфҳа этди. Боксчиларимиз ғалабалари эвазига XIV Осиё ўйинларида мамлакатимиз спортчилари умумкоманда ҳисобига 5-уринни эгалладилар. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, шахсни спорт билан шуғулланиши уни ватанпарварлиги билан мужассамлашиб кетади. Жисмоний ва ватанпарварлик тарбиялари мужассамлашиб боравериши натижасида кишининг танаси ҳамда руҳияти тарбияланади. Шу ўринда тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, ватанимизни ёвлардан химоя қилган Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Махмуд Таробий, Темур, Мадаминбек (Муҳаммадаминбек Аҳмадбек ўғли) Дукчи эшон (Эшон Муҳаммадали Халфа Мулла Собир сўфи ўғли) каби узоқ ва яқин ўтмишда яшаб ўтган аждодларимиз юрт озодлиги, миллат равнақини химоя қилишда сиёсий, иқтисодий, маданий билимларга эга бўлиш билан биргаликда кучли қиличбоз, моҳир мерган, бақувват-полвон ҳамда ажойиб чавандоз умуман олганда ақлий ва жисмоний тарбиялари муштарак шахслар бўлганликларини кўрамиз.

Спорт билан мунтазам шуғулланишнинг инсон саломатлигига аҳамияти катта эканлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Доимий машғулотлар мактаб ёшигача бўлган болаларни шамоллаш, асаб касалликлари, ясси товоонлик, ортиқча вазн каби нуқсонларини даволашда муҳим роль ўйнайди. Жисмоний машқлар шахс жисмоний камолотига ижобий таъсир этиши билан биргаликда шахснинг аҳлоқий тарбиясига ҳам ижобий таъсир этади. Спортнинг кураш, кўпкари, футбол, каби турлари ҳалоллик, поклик, рақибга нисбатан одилликка ўргатади. Шу ўринда биргина мисол келтирадиган бўлсак миллионлар ўйинига айланиб улгурган футболда кейинги йилларда рақиб ўйинчиларидан бирортаси жароҳат олиб майдонда ҳаракатланмай қолса, унинг ҳурмати учун тўпни эгаллаб турган рақиб жамоа аъзоси тўпни майдон ташқарисига чиқариб юборади. Парашют спорти, алпинизм, югуриш, бокс ва карате турлари кишини танаси-ю, руҳини тарбиялаш, ўз устида ишлаш, яширин ички имкониятларидан фойдаланишга ўргатса, биллиард, шахмот, шашка каби спорт турлари билан шуғулланиш инсонни ақлини чархлайди. Спорт билан мунтазам шуғулланишнинг яна бир хусусияти борки, инсон турли хил ялқовликлар, ичкиликбозлик, фохишабозлик, аср

балоси бўлмиш гиёхвандлик, жиноятчилик каби иллатлардан йироқ, соғлом турмуш тарзини амалга оширади. Шу ўринда спортга бироз таъриф бериб ўтсак, “спорт- қисқа маънода шахсий мусобақа фаолияти дейилса, кенг маънода шахсий мусобақа фаолияти шу фаолият асосидан келиб чиқадиган маҳсус тайёргарлик ҳамда унинг норма ва ютуқлари тушунилади”.

Спорт мусобақаларсиз мавжуд эмаслигига қарамасдан унинг функциялари фвқатгина мусобақалашиш беллашиш билангина чегараланиб қолмайди. Спорт инсоннинг комил бўлишига унинг жисмоний ва маънавий дунёқарашининг ривожланишига ёрдам берадиган самарали усувларни таклиф этади.

Спорт ўз-ўзини тарбиялаш учун етакчи омиллардан бири ҳисобланади. Спортдаги кўрсаткичларнинг ўсиш меъёрига қараб спортчи нафақат жисмоний, балки руҳий, ақлий, аҳлоқий, маънавий ва ватанпарварлик нуқтаи-назаридан тарбия жараёнига кириб боради. Бу борада спортнинг педагогик аҳамияти ҳам ниҳоятда каттадир.

Спорт (инг. sport-уйин)- жисмоний маданиятнинг таркибий қисми, жисмоний тарбия воситаси ва усули, жисмоний машқларнинг турли мажмуналари бўйича мусобақалар ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказиш тизими.

Спорт–ирода сифатларини тўла намоён этишни талаб этадиган мардоновор, кўпинча ҳатто бешафқат фаолият туридир. Биз манбаларда спортга турли хил берилган таърифларни кўп учратамиз. Замонавий олимпиада асосчиси Пьер де Кубертенning машҳур “Спорт мадҳияси” олий мукофот – Олтин медальга сазовор бўлган. Мадҳияда айтилишича, спорт –бу ҳаётимизнинг доимий йўлдоши, чинакам ва ишончли дўст. Спорт билан мунтазам шуғулланиш рух ва танага қувонч баҳш этади. Бу сўзлар ва таърифлар замирида жуда кўп фалсафий мушоҳадага бой маъно-мазмун мужассам. Призедентимиз спортга баҳо берар экан, уни шундай талқин қилди: “Спорт – ўзбек ҳалқига қадимий анъана. Ўзбекистонимизда юзлаб ҳалқ миллий спорт ўйинлари билан бир қаторда замонавий спорт ҳам ривож топаяпти” деб ўринли таърифлаганлар.

Спорт миллатларни бирлаштирадиган, ҳалқларни жипслаштирадиган ва улар ўртасида ўзаро дўстлик, биродарлик ришталарини боғлайдиган воситадир.

Бизга маълумки, инсон ҳаракат билан тирик. Бу тириклик асосини табиий жисмоний ҳаракат ташкил этади. Жисмоний маданият ҳаракатлар занжири. Қачонки бу занжири узилса, инсон умри ҳам узилади. Жисмоний маданият, таълим тарбия кенг

маънода, инсоннинг барча табиий ва ижтимоий қобилиятларини рўёбга чиқарувчи, уни тобора инсонийлаштириб, ҳам жисмоний, ҳам маънавий чиниқтириб, юксалтириб борувчи жараёндир. Бу ҳақда профессор Тилаб Маҳмудов: “Жисмоний маданиятдан тобора узоқлашиб борган сари киши ўз умрига ўзи болта уради. Унда лоқайдлик, сояпарварлик, дангасалик, ишёқмаслик, оқбилаклик, текинхўрлик сингари хунуклик аломатлари кучаяди”, – деб таъкидлайди. Мазкур фикрлардан, инсон маънавий камолотида асосий ўринни эгаллайдиган жисмоний маданият ва таълим тарбиядан тобора узоқлашиб борса, нафақат юқоридаги ҳолатлар балки, касаллик ва ўлим сабаблари ҳам вужудга келади деган хулоса келиб чиқади.

Инсон онгли равишда тушунган ҳолда уларга тўла амал қилмайди. Бунинг турли сабаблари бор, яни ишга шошилиш, ишдан чарчаб қайтиш, транспортда юриш, эринчиоқлик ва х.к. Бунинг яна бир томони шундаки, кўпчилик кишилар жисмоний машқларнинг тури, уни бажариш тартиб – қоидаларини яхши билмайди. Ўқувчи ёшлар жисмоний тарбияни яхши ўзлаштирганликлари учун катта ёшга борганда уни деярли бутунлай тарк этади. Ана шу хатоларни яхшилаш ва аҳолининг жисмоний камолотини ривожлантириш мақсадида турли қонун ва низомлар ишлаб чиқилган. Республика изда 1994 йил 2 майда давлатимизнинг биринчи юксак нишони “Соғлом авлод учун” орденининг таъсис этиш тўғрисидаги фармони муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки бу низомда аҳолини соғлигини яхшилаш, болаларни соғлом қилиб тарбиялаш ва оналини ҳимоя қилиш масалалари баён этилган шу билан биргаликда бу вазифаларни амалга ошириш учун соғлиқни сақлаш вазирлиги, турли идоралар, маҳалла оқсоқоллари, спорт ташкилотлари халқ таълим тизимидағи мутасадди ходимларга аниқ топшириқлар берилган.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз лозимки, ҳозирги даврга келиб спорт ва жисмоний тарбия ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормокда. Соғлом авлодни вояга етказиш ҳозирги замоннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб бунга жуда жиҳдий ёндошишни талаб этади. Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги бўлган ёшларга кенг имкониятлар, шароитлар яратиб бериш, уларга тўғри йўл кўрсатиш, маънавиятли қилиб тарбиялаш, ҳар томонлама етук инсон бўлишларига кўмаклашиш учун спорттарбия воситаларидан бири бўлиб қолаверади.

REFERENCES

1. Мухамедова, З. М., Саттарова, Д. Г., & Худайбергенова, П. Т. (2019). РОЛЬ ГУМАНИСТИКИ В МЕДИЦИНСКОМ ОБРАЗОВАНИИ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛИЗМА ВРАЧЕЙ. *Гуманитарный трактат*, (52), 19-23.
2. Gapparovna, S. D., & Toshpulatovna, X. P. (2021). IMPROVING THE QUALITY OF MEDICAL SERVICES IN IMPROVING THE GENE POOL OF THE POPULATION IN OUR COUNTRY. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(10), 138-141.
3. Умирзакова, Н. А., Худойбергенова, П. Т., & Курбанова, Е. (2020). БИОЭТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ТРАНСПЛАНТОЛОГИИ. *Гуманитарный трактат*, (97), 13-14.
4. Худайбергенова, П. Т. (2018). ОБРАЗ МАВЛОНО ДЖАЛОЛИДИНА РУМИ В КОНТЕКСТЕ ГУМАНИСТИЧЕСКИХ ТРАДИЦИЙ ВОСТОКА И МУСУЛЬМАНСКОЙ БИОЭТИКИ. *Гуманитарный трактат*, (33), 28-30.
5. Атамуратова, Ф. С., & Мисирова, Ш. А. (2021). Значение изучения биоэтики в медицинских вузах: международный опыт.
6. Мухамедов, А. Р (2021). «Вопросы совершенствования законодательства Узбекистана о преступлениях в сфере трансплантологии с учетом зарубежного опыта», *Биоэтика и право*
7. Mukhamedzhanovna, M. Z., Akmalovna, U. N., Abdusamatovich, K. S., Gapparovna, S. D., Arifovna, U. D., & Tashpulatovna, K. P. (2021). Bioethics-Paradigm of Humanization of Medical Education. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 125-133.
8. Мухамедова, З. М. (2019). Умирзакова Н. А. *Феномен медицинских гуманитарных наук и международный опыт интеграции гуманитарных наук в медицинском образовании. Философские проблемы биологии и медицины: феномен биорациональности*, (13), 304.
9. Мухамедова, З. М. (2019). Интеграция гуманитарных наук в медицинское образование: проблемы и перспективы. *Journal of Health Development*, (1 (30)), 37-45.
10. Мухамедова, З. М. (2009). Биоэтика. Учебное пособие. Ташкент.
11. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2021). АКТУАЛЬНОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ СОЦИАЛЬНОГО КОНТЕКСТА БИОЭТИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Гуманитарный трактат*, (99), 7-15.

12. Mukhamedova, Z. M., & Umirzakova, N. A. (2019). The phenomenon of medical humanities and the international experience of integrating the humanities in medical education. *Philosophical problems of biology and medicine: the phenomenon of biorationality*, (13).

13. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2018). Паллиативная помощь: современность и традиции мусульманской биомедицинской этики. *Гуманитарный трактат*, (21), 38-40.

14. Mukhamedova, Z. M. (2006, October). Issues and contradictions in bioethics of 21st century: Islamic prospects. In *Abstract book, First sub-regional expert meeting on ethics education in science and technology, Iran, Tehran* (pp. 28-29).

15. Мухамедова, З. М. (2005). Исламская биоэтика в историческом аспекте. Сайт Ташкентской Медицинской Академии: www.rpatm.uzsci.net.

16. Мухамедова, З. М. (2004). Введение в биоэтику. Т., Уч. пособие-2004.-120с.; Мухамедова ЗМ Биоэтика. Т. ЎзМУ Ресурс маркази. Ўкув кўлланма-2006. 144б; Мухамедова ЗМ и др. Биоэтика. Т. Уч. пособие-2009.163 с.

17. Сатарова, Д. Г., & Умирзакова, Н. А. (2016). РАЗВИТИЕ ГЛОБАЛЬНОЙ ЭТИКИ И ВСЕОБЩАЯ ДЕКЛАРАЦИЯ О БИОЭТИКЕ И ПРАВАХ ЧЕЛОВЕКА. In *Этика и история философии* (pp. 202-207).

18. Сатарова, Д. Г. (2015). СТРАТЕГИЯ КОМПЬЮТЕРИЗАЦИИ И ИНФОРМАТИЗАЦИИ И ПРОБЛЕМА ГУМАНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ. *িାଦ୍ୟେୟରେ ପାଠ୍ୟକାନ୍ତରେ ମହିଳାଙ୍କ ଅଧ୍ୟାତ୍ମିକ ପରିବର୍ତ୍ତନରେ ଆବଶ୍ୟକତା*, 116.

19. Сатарова, Д. Г. (2014). СОЦИАЛЬНЫЙ ИДЕАЛ И ПОСТКОЛОНIALНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ ДЛЯ" ПОНИМАЮЩЕГО КОНТРОЛЯ". *Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов*, (1), 106-108.

20. Sadullaevna, Y. L., & Baratovna, A. G. (2021). LOGICAL PRINCIPLES IN THE DOCTRINE OF IBN SINA AND THEIR FORMATION CHARACTERISTICS.

21. Юлдашева, Л. С., & Абдурахимова, Д. М. (2021). ЖАМИЯТДА ОДОБ-АХЛОҚ МЕЪЁРЛАРИНИ БУЗИЛИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАРИ. *Журнал Социальных Исследований*, 4(4).

22. Yuldasheva, L. S., Khashimova, G. F., & Khosilova, A. A. (2020). THE CONCEPT OF TRUTH IN KANT AND HEGEL. *Theoretical & Applied Science*, (2), 451-454.

23. Il'ina, G. V., Berezhnaya, I. A., & Yuldasheva, L. S. (2019). Formirovaniye gotovnosti pedagogov k realizatsii so-vremennykh zdorov'iesberegayushchikh tekhnologii s det'mi doshkol'nogo

- vozrasta: monografiya, Magnitogorsk, Izd-vo Magnitogorsk. gos. tekhn. un-ta im. GI Nosova.
24. Obol'nikova, E. A., & Yuldasheva, L. S. (1973). Isolation and identification of the ubiquinone synthesized by the fungus Blakeslea trispora. *Applied Biochemistry and Microbiology*, 7(1), 38-40.
25. Akkazieva, B., Tello, J., Smith, B., Jakab, M., Krasovsky, K., Sautenkova, N., ... & Shoismatuloeva, M. (2015). Better noncommunicable disease outcomes: challenges and opportunities for health systems. *Tajikistan country assessment*. Geneva: WHO.
26. Умирзакова, Н. А. (2019). Репродуктивные технологии в системе здравоохранения Узбекистана в качестве социальной инновации. In *Наука, образование, инновации: апробация результатов исследований* (pp. 884-888).
27. Умирзакова, Н. А. (2022). СТОМАТОЛОГИК ТАЪЛИМДА БИОЭТИКАВИЙ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ ДОЛЗАРБЛИГИ. *Academic research in educational sciences*, (2), 69-72.
28. Умирзакова, Н. А. Востребованность биоэтики для гуманизации медицинского образования в Узбекистане. *IX МІЖНАРОДНОГО СИМПОЗІУМУ З БЮЕТИКИ ЗДОРОВ'Я, МЕДИЦИНА ТА ФШОСОФІШ: СТРАТЕГІ ВИЖИВАННЯ*, 15-16.
29. Умирзакова, Н. А. (2020). Значение изучения биоэтики в формировании профессиональной компетентности у студентов медицинских ВУЗов. *Научные исследования XXI века.-Нефтекамск*, (5), 7.
30. Умирзакова, Н. А. (2020). БИОЭТИКА КАК ЦЕННОСТНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ВРАЧЕЙ. *Гуманитарный трактат*, (77), 4-7.
31. Мухамедова, З. М., Умирзакова, Н. А., & Бабаджанов, Ж. (2017). Проблема смерти мозга в исламской биоэтике. *Гуманитарный трактат*, (17), 15-18.